

## АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Анвар МИРЗАЕВ

“Вокал” кафедраси ўқитувчиси

### Аннотация

Ушбу мақолада Абу Наср Форобийнинг мусиқа илмига оид рисоласи — Катта мусиқа китоби ва мутафаккирнинг мусиқага оид қарашлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** мусиқа, чолғу, созанда, ижрочилик санъати.

Қадим Шарқ замини мусиқа маданияти ва ижрочилик маҳоратидан хабар берувчи қатор манбалар бор. Хусусан, Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Дарвеш Али Чангийдек буюк алломаларнинг рисолалари шулар жумласидандир. Улар ўз рисолаларида мусиқа санъатига оид қарашлар, ижрочилик санъати, мусиқа илми, назарияси, ижро усуллари каби бир қанча қимматли маълумотлар ёзиб қолдиришган. Мирзо Улуғбек Тарафайнинг — Мусиқа илми ҳақида рисола, Дарвеш Али Чангийнинг — Тухфат ус-сурур, Абдурахмон Жомийнинг — Рисолайи мусиқа, — Хоразм мусиқий тарихчаси кейинчалик Абдурауф Фитратнинг — Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи сингари асарлари миллий мусиқий ҳазинамизни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Марказий Осиё халқлари ҳаётида бошқа йўналишлар сингари мусиқа илмининг ҳам юксак даражада ривожланганлигини бақтрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, тасвирий санъат асарлари ва архитектура намуналаридан билиб олишимиз мумкин. Бундан ташқари диёримизда олиб борилган қазилма ишлари натижасида дутор, сурнай, қонун, найга ўхшаш мусиқа чолғулари созандалар томонидан чалиниб турилгани тасвирлари ҳам топилган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, заминимизда мусиқа санъати илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади.

Шарқ халқларининг мусиқий мероси ҳисобланмиш мақом, муғом, рага, надба, дастгоҳ каби ижрочилик турлари аجدодлардан авлодларга қадар ўтиб келмоқда. Мусиқа илмига чуқур ёндашган ва атрофлича ўрганган мутафаккирлардан бири бу Форобийдир. У ўз даврининг шоҳ асари — Катта мусиқа китобининг муаллифидир. Форобий бошқа фанларнинг тақибиди



Ўрганиладиган муסיқа санъатини алоҳида соҳа сифатида юзага чиқаради. Катта муסיқа китобининг нусхалари жаҳоннинг кўплаб кутубхоналари меросида сақланади. Форобий таваллудининг 1100 йиллигида Закариё Юсуф ҳамда Маҳмуд Дафнийлар ушбу китобнинг мукамал нусхасини тақдим этишди. Мазкур асар Европада ҳам анча машҳур. 12 асрда Зоҳид Гульдислав томонидан лотин тилига ўтирилган. Шу тариқа бошқа тилларга ҳам. Муқаддимада муаллиф томонидан таъкидланадики, ушбу асар икки қисмга ажратилади. Биринчи қисмида муסיқанинг илмий назарий ҳамда амалий томонини ифодаланса, иккинчи қисмида эса ўзигача бўлган алломаларнинг муסיқага оид фикларининг камчиликларини изоҳлайди. Китобнинг охириги қисмлари бизгача тўла етиб келмаган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Форобий муסיқа санъатини назарий ва амалий қисмларга ажратади. Назарий билимлар муסיқанинг асосини ва уларни ўрганишга қаратилган. —Ҳар қандай назарий билим инсонни камолотга етаклайди. Қачонки: соҳанинг асосини эгаллаш, шу фан асосида керакли натижаларга эришиш, бошқа олимлар фикрини чуқур ўрганиш ва таҳлил қила олиш, йўл қўйилган камчиликларни тузата олиш каби ишларни амалга ошира олса дейди муаллиф асар муқаддимасида.

Бундан ташқари Форобийнинг ушбу асарида товушнинг акустик хусусиятлари, яъни тебранувчи тананинг хажми ва товуш баланд- пастлиги ўртасидаги муносабатлар, турли чолғу асбоблари мисолида очиб берилади ҳамда уларнинг микдорларини математик услубда ифодалаш омиллари тушунтирилади.

Кўп жилдли ушбу китобда муסיқа назарияси тарихи, турли муסיқа асбоблари, куйлар ва уларнинг ички тузилиши, товушлар, ритмлар, оҳанглар ҳақида батафсил баён қилинган. Ривоятларда айтилишича Форобий янги муסיқа асбобини кашф этган. Моҳир созанда сифатида куйлар басталаган. Алломанинг фикрича муסיқий тасаввур ва тафаккур инсон руҳининг энг нозик жойидан чиқиб, оҳанг ҳолатида сезимларга таъсир қилади. Бундан ташқари рисолада рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най сингари муסיқа асбоблари ва уларнинг куй йўллари ҳақида айтиб ўтилган.

Келтирилган фикрларга таянган ҳолда шуни айтиш жоизки, Форобийнинг муסיқа иомига оид бу китоби ўзида жуда муҳим маълумотларни жамлаган.



Муסיқа санъатининг тарихи ва назариясини ўрганаётган тадқиқотчилар учун зарур омил вазифасини ўтайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева О. Муסיқа ва ҳаёт фалсафаси. Т.: 1998.
2. Фитрат. Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1981.
3. Мамадалиев Ф. Миллий муסיқа ижрочилиги масалалари. Т.: Янги асар авлоди. 2001.
4. Нурматов Х. Муסיқа санъати ахлоқий-эстетик тарбиянинг муҳим воситаси. – Т.: Ўзбекистон. 1989.

